
Тўқликка шўхлик

Хозир сиз расмини кўриб турган ҳолат бирор бир филмдан парча эмас, ўзи автомобил салонига, пули эса чўнтагига сиғмай қолган Бешариқ туманида яшовчи шоввознинг тасвирлари.

Бу ҳолат Бешариқ тумани Узун МФЙ ҳудудида 2024 йил 24 февраль куни содир бўлган. Бешариқ тумани Юқори Товул қишлоғида яшовчи Р.П. 2024 йил 24 февраль куни танишининг тўйида тўй маросими кортежи чиройли чиқиши мақсадида ўзи ўтириб кетаётган автомашина тоmidан танасини чиқариб, ўша ҳолатда бақир чақир қилиб, сувинер пулларни қўлига олиб ортидан келаётган автомашиналар устига пулларни сепаиб юборган ва мазкур ҳолатни видео тасвирга олиб, ижтимоий тармоқларга жойлаган. Жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судида 2024 йил 31 май куни мазкур ҳолат юзасидан маъмурий иш кўриб чиқилиб, ўзи автомобиль салонига, пули эса чўнтагига сиғмай қолган Бешариқ туманида яшовчи шоввозга 10 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

ЖИБ Бешариқ туман судининг раиси

2024-06-06 15:43:16